ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.30/30.12.2019.FM.05.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ЖУРАЕВ АБДУЛЛА ХАТАМОВИЧ

УЧИНЧИ ВА БЕШИНЧИ ТАРТИБЛИ КАРРАЛИ ХАРАКТЕРИСТИКАЛИ ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН ЧЕГАРАВИЙ МАСАЛАЛАР

01.01.02– Дифференциал тенгламалар ва математик физика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона–2020

УДК: 517.953.5

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.30/30.12.2019.FM.05.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ЖУРАЕВ АБДУЛЛА ХАТАМОВИЧ

УЧИНЧИ ВА БЕШИНЧИ ТАРТИБЛИ КАРРАЛИ ХАРАКТЕРИСТИКАЛИ ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН ЧЕГАРАВИЙ МАСАЛАЛАР

01.01.02– Дифференциал тенгламалар ва математик физика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона–2020

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/FM217 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Апаков Юсупжон Пулатович** физика-математика фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	**Аманов Джумаклич** физика-математика фанлари доктори, доцент
	Газиев Кобилжон Солижонович физика-математика фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.FM.05.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» __________ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси, 19 уй. Тел.: (+99873) 244-44-02, факс: (+99873) 244-44-93, e-mail: fardu_info@umail.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси, 19 уй. Тел.: (+99873) 244-44-94).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _______________ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _______________ даги ___________ рақамли реестр баённомаси).

А.К. Уринов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

И.У.Ҳайдаров
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий
котиби, ф.-м.ф.н.

Ш.Т. Каримов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Замонавий илм-фаннинг ривожланиши XX асрнинг ўрталарига келиб физик моделларга аниқлик киритишни талаб қилди. Амалиёт талабларидан келиб чиқиб, юқори тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар, хусусан, ўзига хос жиҳатлари билан алоҳида ўринга эга бўлган тоқ тартибли тенгламалар назариясига эътибор кучайди. Чекли амплитудага эга бўлган дисперсион муҳитдаги кичик тўлқинни тадқиқ қилишда модел сифатида Кортевега-де Фриз тенгламасидан фойдаланилади. Қисқа тўлқинлар назариясини ўрганишда эса транстовушли тенглама, яъни учинчи тартибли каррали характеристикали вақт бўйича иккинчи тартибли ҳосилага эга бўлган тенглама мухим ахамиятга эга. Плазмадаги тўлқин жараёнларида ва дисперсион муҳитдаги урилувчи кучсиз тўлқинлар назариясини ўрганишда бешинчи тартибли каррали характеристикали тенглама математик модел сифатида хизмат қилади. Шу муносабат билан учинчи ва бешинчи тартибли тенгламалар билан боғлиқ тадқиқотларни ривожлантириш математик физика тенгламалари ичида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз олимлари томонидан учинчи тартибли каррали характеристикали вақт бўйича иккинчи тартибли ҳосилага эга бўлган тенгламаларни ўрганишда салмоқли натижаларга эришилди. Хусусан, Л.Каттабрига томонидан қурилган хосмас интеграллар билан ифодаланувчи фундаментал ечим ёрдамида чегаравий масалалар ечилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз олимлари олдига фундаментал фанларнинг амалий татбиққа эга бўлган долзарб йўналишларига эътиборни қаратиш муҳим вазифа сифатида қўйилган. Шунингдек, математик фанларнинг устивор йўналишлари бўйича, айниқса, алгебра ва функционал анализ, дифференциал тенгламалар ва математик физика, динамик системалар назарияси, геометрия ва топология, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, амалий математика ва математик моделлаштириш бўйича халқаро стандартлар даражасидаги илмий тадқиқот ишларини олиб бориш Математика институтининг асосий вазифаси ва йўналишлари этиб белгиланган[1]. Хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар, хусусан, учинчи ва бешинчи тартибли каррали характеристикали тенгламалар назариясини ривожлантириш қарор ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сонли “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб

----

[1]Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги № 292 «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори.

қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И. Романовский номидаги математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сонли “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика ва фан технологиялари ривожланишининг устувор йуналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика и информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Учинчи тартибли каррали характеристикали вақт бўйича иккинчи тартибли ҳосилага эга бўлган тенглама билан боғлиқ тадқиқотлар H.Block, E.Del Vicchio ларнинг мос равишда 1912 ва 1915 йилларда эълон қилинган фундаментал ишларидан бошланган. L. Cattabriga томонидан 1961 йилда бу тенглама учун каррали хосмас интеграллар орқали ифодаланувчи фундаментал ечим қурилди, унинг хусусиятлари ўрганилди. Бу изланишлар Италиянинг Турин университетидан Л.Родино ва М.Марселлолар ҳамда Москва давлат университетидан А.А.Дезинлар томонидан функционал анализ усулларини қўллаган ҳолда давом эттирилди. Т.Д.Джураев, С.Абдиназаров ва уларнинг ўқувчилари томонидан L.Cattabriga қурган фундаментал ечим ёрдамида потенциаллар назариясидан фойдаланиб, чегаравий масалалар ечдилар. Т.Д.Джураев ва Ю.П.Апаковлар томонидан 2007 йилда бузулувчи гипергеометрик функция орқали ифодаланган янги фундаментал ечим қурилди, хусусиятлари ўрганилди ва у чегаравий масалалар ечишга қўлланилди ҳамда чегаравий масалаларни Фурье усулида ечиш алгоритми ишлаб чиқилди.

Татбиқий нуқтаи назардан, учинчи тартибли каррали характеристикали вақт бўйича иккинчи тартибли ҳосилага эга бўлган тенгламани ўрганишнинг мухимлиги Воронеж университетидан В.Н.Диесперов, О.С.Рыжов и Ю.В.Засоринларнинг ишларида асосланган. Туркиялик A.Ashyraliev, N.Aggez, F.Hazenci ва Алжирлик N.Bendjazia, A.Guezane-Lakoud, R.Khaldiлар изланишларида эса сонли усулда ечим топиш билан шуғулланилган. Бешинчи тартибли каррали характеристикали тенгламалар эса плазмадаги тўлқин жараёнларининг математик модели сифатида хизмат қилади. Ю.В.Засорин, Н.В.Дерендяев, В.В.Новиков, В.А.Вахрушевларнинг ишларида бешинчи тартибли тенгламага қўйилган масаланинг ечиш асослари ишлаб чиқилган. Р.Булаф, Ф.Кодри ва Р.Додд, Дж.Эйлбек, Дж.Гиббон, Х.Мориссларнинг монографияларида бешинчи тартибли тенглама тадқиқининг муҳимлиги асосланган. А.К.Уринов, А.Т.Абдуқодиров ишида бешинчи тартибли дифференциал тенгламаларни каноник кўринишга келтириш масаласи ўрганилган.

Мазкур диссертация иши учинчи ва бешинчи тартибли каррали характеристикали вақт бўйича иккинчи тартибли ҳосилага эга бўлган тенгламаларга коррект чегаравий масалалар қўйиш ва ечишга бағишланган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Наманган мухандислик-қурилиш институтининг илмий - тадқиқот ишлари режасининг «Дифференциал тенгламага классик ва ноклассик масалалар ва уларнинг татбиқлари» номли банди доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади чекли ва чексиз соҳаларда вақт бўйича иккинчи тартибли ҳосилага эга бўлган каррали характеристикали учинчи ва бешинчи тартибли тенгламаларга чегаравий масалалар қўйиш ва уларни текшириш ҳамда бешинчи тартибли тенгламага қўйилган масалани Фурье усулида ечиш алгоритмини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кичик ҳадларга эга бўлган учинчи тартибли каррали характеристикали тенгламага қўйилган чегаравий масалаларни тадқиқ қилиш;

берилган функциялар учун қўйилган масалалар корректлигини таъминловчи етарли шартларни аниқлаш;

тенглама кичик ҳадларининг қўйилган масаланинг корректлигига таъсирини аниқлаш;

учинчи тартибли каррали характеристикали бир жинсли бўлмаган тенгламага қўйилган чегаравий масалага Грин функцияси қуриш ва уни чегаравий масала ечишга қўллаш;

бешинчи тартибли каррали характеристикали вақт бўйича иккинчи тартибли ҳосилага эга бўлган тенгламага қўйилган чегаравий масалаларни Фурье усулида ечиш алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти учинчи тартибли каррали характеристикали кичик ҳадларга эга бўлган тенглама ҳамда бешинчи тартибли каррали характеристикали вақт бўйича иккинчи тартибли ҳосилага эга бўлган тенгламалардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети учинчи тартибли каррали характеристикали кичик хадларга эга бўлган тенгламага ҳамда бешинчи тартибли каррали характеристикали вақт бўйича иккинчи тартибли ҳосилага эга бўлган модел тенгламага қўйилган чегаравий масалалардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида математик анализ, дифференциал тенгламалар, математик физика ва чизиқли алгебра усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

учинчи тартибли каррали характеристикали кичик ҳадларга эга бўлган тенглама учун тўғри тўртбурчакда иккинчи чегаравий масала ечимининг ягоналиги ва мавжудлиги тенгламанинг коэффициентлари ва берилган функцияларга қўйилган шартлар асосида исботланган;

учинчи тартибли каррали характеристикали кичик ҳадларга эга бўлган тенгламанинг кичик ҳадини тўғри тўртбурчакда қўйилган иккинчи чегаравий масаланинг корректлигига таъсири аниқланган ва бир жинсли масаланинг тривиал бўлмаган ечимлари қурилган;

учинчи тартибли каррали характеристикали кичик ҳадларга эга бўлган тенглама учун тўғри тўртбурчакда учинчи чегаравий масаланинг бир қийматли ечилиши тенглама ва чегаравий шартлар коэффициентлари ҳамда берилган функцияларга қўйилган шартлар асосида исботланган;

учинчи тартибли каррали характеристикали бир жинсли бўлмаган тенгламага тўғри тўртбурчакда қўйилган биринчи чегаравий масала ечимининг ягоналиги исботланган, масалага мос Грин функцияси қурилган ва масала ечимининг формуласи Грин функцияси ёрдамида ёзилган;

бешинчи тартибли каррали характеристикали вақт бўйича иккинчи тартибли ҳосилага эга бўлган тенгламага қўйилган коррект чегаравий масалаларни Фурье усулида ечиш алгоритми ишлаб чиқилган ва уни тўғри тўртбурчакда ва ярим полосада масала ечишга қўлланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қурилган ечимлар формулаларидан физик жараёнларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлашда ва сонли хисоблашларда фойдаланиш мумкинлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги математик анализ ва хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар назариясининг усулларидан фойдаланиб, дедуктив хулосалар қабул қилинганлиги ҳамда теоремаларнинг қатъий ва тўлиқ исботланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти уларнинг юқори тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар назариясини янада ривожлантиришда фойдаланилиши мумкинлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти уларни учинчи ва бешинчи тартибли каррали характеристикали вақт бўйича иккинчи тартибли ҳосилага эга бўлган тенгламалар орқали ифодаланувчи физик жараён ва ҳодисаларнинг моделларига татбиқ этиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертацияда олинган илмий натижалар қуйидаги лойиҳаларда амалиётга жорий қилинган:

учинчи тартибли вақт бўйича иккинчи тартибли ҳосилага эга бўлган тенгламага қўйилган масаланинг Грин функцияси қуриш ёрдамида ечиш усулидан «Юқори тартибли юкланган тенгламалар учун чегаравий масалалар» мавзусидаги №245612-2015, (2015-2019) рақамли хорижий лойиҳада янги чегаравий масалаларни ечишда фойдаланилган (Е.А.Букетов номидаги Қарағанда давлат университетининг 2020 йил 13 февралдаги 02-07/733-сонли маълумотномаси). Илмий натижани қўллаш қўйилган масала ечимини ошкор ёзишга имкон берган;

бешинчи тартибли каррали характеристикали вақт бўйича иккинчи тартибли ҳосилага эга бўлган тенгламага қўйилган чегаравий масалани ечишда таклиф этилган Фурье усули алгоритмидан «Тебраниш системаларида касрли ҳисобнинг татбиқи» мавзусидаги №АААА-Б19-219021990010-4 рақамли хорижий лойиҳада юқори тартибли тенгламага қўйилган масалани ечишда фойдаланилган (ФГБОУ ВО Витус Беренг номидаги Камчатка давлат университетининг 2020 йил 19 февралдаги № 90-01-рақамли маълумотномаси). Илмий натижани қўллаш юқори тартибли каррали характеристикали тенгламага қўйилган янги масаланинг ечимини ошкор ҳолда қуришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари 19 та халқаро ва 8 та республика илмий ва илмий – амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш чоп этилган, улардан 7 таси илмий мақола бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган нашрларда, шундан 1 таси хорижий ва 6 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 103 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Учинчи тартибли каррали характеристикали тенгламага чегаравий масалалар»** деб номланган биринчи бобида учинчи тартибли каррали характеристикали кичик ҳадлар ва вақт бўйича иккинчи тартибли ҳосилага эга бўлган тенгламага тўғри тўртбурчакда қўйилган биринчи, иккинчи ва учинчи чегаравий масалалар тадқиқ қилинган.

Биринчи бобнинг биринчи параграфида $D=\{(x,y):0<x,y<1\}$ тўғри тўртбурчакда

$$u_{xxx}-u_{yy}+au_x+cu=0 \tag{1}$$

тенглама учун биринчи ва иккинчи чегаравий масалалар ўрганилган, бу ерда a ва c - берилган мусбат сонлар.

A_1 **масала.** D соҳада (1) тенгламанинг $C^{3,2}_{x,y}(D)\cap C^{2,1}_{x,y}(\overline{D})$ синфга тегишли ва қуйидаги чегаравий шартларни қаноатлантирувчи ечими топилсин:

$$u_y(x,0)=0,\qquad u_y(x,1)=0,\quad 0\le x\le 1,$$

$$u(0,y)=\varphi_1(y), \quad u(1,y)=\varphi_2(y), \qquad u_x(1,y)=\varphi_3(y), \quad 0\le y\le 1,$$

бунда $\varphi_i(y)$, $i=\overline{1,3}$ – етарлича силлиқ берилган функциялар.

Энергия интеграли усули билан қуйидаги теорема исботланган.

1-теорема . Агар A_1 масаланинг ечими мавжуд бўлса, у ягонадир.

Ўзгарувчиларни ажратиш усули билан A_1 масаланинг ечими қуйидаги қатор кўринишида ҳосил қилинган

$$u(x,y)=\sum_{n=1}^{\infty}\left[C_{1n}e^{-2\alpha_n x}+C_{2n}e^{\alpha_n x}\cos\beta_n x+C_{3n}e^{\alpha_n x}\sin\beta_n x\right]\cos\pi ny. \tag{2}$$

2-теорема. Агар $\varphi_i(y)\in C^4[0,1]$ ва $\varphi_i^{(k)}(0)=\varphi_i^{(k)}(1)=0,\ i=1,2,3,\ \ k=\overline{1,3}$ бўлса, A_1 масаланинг ечими мавжуд ва у (2) кўринишга эга бўлади.

A_2 **масала.** D соҳада (1) тенгламанинг $C^{3,2}_{x,y}(D)\cap C^{2,1}_{x,y}(\overline{D})$ синфга тегишли ва қуйидаги чегаравий шартларни қаноатлантирувчи ечими топилсин:

$$u(x,0)=0, \quad u(x,1)=0, \quad 0\le x\le 1,$$

$$u(0,y)=\varphi_1(y), \quad u(1,y)=\varphi_2(y), \qquad u_x(1,y)=\varphi_3(y), \quad 0\le y\le 1,$$

бунда $\varphi_i(y)$, $i=\overline{1,3}$ - етарлича силлиқ берилган функциялар.

A_2 масала A_1 масала каби ечилади.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфида $c<0$ бўлганда иккинчи чегаравий масала ўрганилган. Агар 1-теоремада c коэффициент манфий бўлса, у ҳолда иккинчи чегаравий масала нокоррект бўлади, яъни ечимнинг ягоналиги бузилади. Бунда иккинчи чегаравий масала бир жинсли шартлар билан нолдан фарқли ечимга эга бўлади.

D соҳада қуйидаги масалани

$$u_{xxx}-u_{yy}+au_x+cu=0, \qquad c<0,$$

$$u_y(x,0)=0, \quad u_y(x,1)=0, \quad 0\le x\le 1, \tag{3}$$

$$u(0,y)=0, \quad u(1,y)=0, \qquad u_x(1,y)=0, \quad 0\le y\le 1,$$

қарайлик. (3) масаланинг ечимини қуйидаги кўринишда излаймиз:

$$u(x,y)=X(x)Y(y).$$

У ҳолда $X(x)$ ва $Y(y)$ учун қуйидаги масалаларни оламиз:

$$\begin{cases} X''' + aX' + \eta X = 0, \\ X(0) = 0, \ \ X(1) = 0, \ \ X'(1) = 0, \end{cases} \tag{4}$$

$$\begin{cases} Y'' + \mu Y = 0, \\ Y'(0) = 0, \ Y'(1) = 0. \end{cases} \tag{5}$$

(4)-(5) масалаларнинг хос функциялари мос равишда

$$X_k(x) = e^{2\alpha_k x} - e^{-\alpha_k x}\left(\cos\beta_k x - M\ \sin\beta_k x\right), \quad Y_n(y) = \cos\pi n y$$

кўринишда бўлади. Бу ерда

$$M = \frac{\cos\beta_k - e^{3\alpha_k}}{\sin\beta_k}.$$

$c = \eta - \mu$ муносабатдан $c_{nk} = -m_k^3 - a m_k - n^2\pi^2$ ёки

$$c_{nk} = -\left(\left(\frac{2}{\sqrt{3}}\sqrt{\left(\frac{\pi}{6} + \pi k\right)^2 - a}\right)^3 + \frac{2a}{\sqrt{3}}\sqrt{\left(\frac{\pi}{6} + \pi k\right)^2 - a} + n^2\pi^2\right), \quad n, k = 1, 2, 3, \cdots,$$

бунга мос ечим эса

$$u_{kn}(x, y) = X_k(x)Y_n(y) = \left[e^{2\alpha_k x} - e^{-\alpha_k x}\left(\cos\beta_k x - M\ \sin\beta_k x\right)\right]\cos\pi n y$$

кўринишга эга бўлади. Бу функция иккинчи чегаравий масаланинг бир жинсли шартларни қаноатлантирувчи нолдан фарқли ечими бўлади.

Биринчи бобнинг учинчи параграфида (1) тенглама учун учинчи чегаравий масала ўрганилган.

B **масала.** D соҳада (1) тенгламанинг $C_{x,y}^{3,2}(D) \cap C_{x,y}^{2,1}\left(\overline{D}\right)$ синфга тегишли ва қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи ечими топилсин:

$$\begin{cases} \alpha u(x,0) + \beta u_y(x,0) = 0, \\ \gamma u(x,1) + \delta u_y(x,1) = 0, \end{cases} \quad 0 \le x \le 1,$$

$$u(0, y) = \varphi_1(y), \quad u(1, y) = \varphi_2(y), \quad u_x(1, y) = \varphi_3(y), \quad 0 \le y \le 1,$$

бунда $\varphi_i(y), \ i = \overline{1,3}$ - етарлича силлиқ берилган функциялар ва қуйидаги мувофиқлик шартларини бажаради

$$\alpha\varphi_i^{(j)}(0) + \beta\varphi_i^{(j+1)}(0) = 0, \ \ \gamma\varphi_i^{(j)}(1) + \delta\varphi_i^{(j+1)}(1) = 0, \ i = 1,3, \ \ j = 0,2. \tag{6}$$

Бундан ташқари $\alpha, \beta, \gamma, \delta$ - ўзгармас сонлар бўлиб, $\alpha^2 + \beta^2 \ne 0, \gamma^2 + \delta^2 \ne 0$ шартларни қаноатлантиради.

3-теорема. Агар B масаланинг ечими мавжуд бўлиб, $\alpha\beta \le 0, \delta\gamma \ge 0$ шартлар бажарилса, у ягонадир.

B масаланинг ечимини $u(x,y) = X(x)\cdot Y(y)$ кўринишда қидирамиз. У ҳолда $Y(y)$ функцияни топиш учун Штурм – Лиувилл типидаги қуйидаги масалага келамиз: μ параметрнинг шундай қийматини топингки,

$$Y'' + \mu Y = 0, \quad \alpha Y(0) + \beta Y'(0) = 0, \quad \gamma Y(1) + \delta Y'(1) = 0$$

масала нолдан фарқли ечимга эга бўлсин.

Бу масалани ечиб, $\sqrt{\mu_n} = \pi n + \varepsilon_n$, бунда $\lim\limits_{n\to\infty} \varepsilon_n = 0$, ёки $\mu_n = O\left(n^2\right)$, $n \to \infty$, хос қийматлар ва уларга мос бўлган

$$Y_n(y) = \alpha \sin\sqrt{\mu_n}\, y - \beta\sqrt{\mu_n}\cos\sqrt{\mu_n}\, y \tag{7}$$

хос функциялар топилган ва (7) функциялар системаси $[0,1]$ кесмада ортогонал эканлиги кўрсатилган.

B масаланинг ечими қуйидаги қатор кўринишида қурилган:

$$u(x,y) = \sum_{n=1}^{\infty}\left[C_{1n}e^{-2\alpha_n x} + C_{2n}e^{\alpha_n x}\cos\beta_n x + C_{3n}e^{\alpha_n x}\sin\beta_n x\right]Y_n(y). \tag{8}$$

4-теорема. Агар $\varphi_i(y) \in C^4[0,1]$, $i = \overline{1,3}$ ва (6) мувофиқлик шартлари бажарилса, B масаланинг ечими мавжуд ва у (8) кўринишга эга бўлади.

Диссертациянинг **«Учинчи тартибли каррали характеристикали тенглама учун Грин функцияси қуриш ва уни масала ечишда қўллаш»** деб аталувчи иккинчи бобида чегаравий масалалар фундаментал ечимдан фойдаланиб, Грин функцияси қуриш усули ёрдамида ечилган.

Диссертациянинг бу бобида тўғри тўртбурчакда биринчи ва иккинчи чегаравий масалалар Грин функцияси қуриш усули билан ечилган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфи D соҳада

$$L(u) = u_{xxx} - u_{yy} = g(x,y) \tag{9}$$

тенглама учун масаланинг қўйилиши ва унинг ечими ягоналигини исботлашга бағишланган.

B_1 **масала.** D соҳада (9) тенгламанинг $C^{3,2}_{x,y}(D) \cap C^{2,1}_{x,y}\left(\overline{D}\right)$ синфга тегишли ва қуйидаги чегаравий шартларни қаноатлантирувчи ечими топилсин:

$$u(x,0) = \varphi_1(x), \quad u(x,1) = \varphi_2(x), \qquad 0 \le x \le 1,$$

$$u_{xx}(0,y) = \psi_1(y), \quad u_x(1,y) = \psi_2(y), \quad u_{xx}(1,y) = \psi_3(y), \quad 0 \le y \le 1,$$

бунда

$$\varphi_i(x)\in C^2[0,1], i=1,2,\ \ \psi_j(y)\in C[0,1],\ \ j=\overline{1,3},\ \ g(x,y)\in C^{0,2}_{x,y}\left(\overline{D}\right),$$

бундан ташқари, қуйидаги мувофиқлик шартлари бажарилади:

$$\begin{gathered}\varphi_1'(1)=\psi_2(0),\quad \varphi_2'(1)=\psi_2(1),\quad \varphi_1''(0)=\psi_1(0),\quad \varphi_1''(1)=\psi_3(0),\\ \varphi_2''(1)=\psi_3(1),\quad \varphi_2''(0)=\psi_1(1),\qquad g(x,0)=g(x,1)=0.\end{gathered} \tag{10}$$

5-теорема. Агар B_1 масаланинг ечими мавжуд бўлса, у ягонадир.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида Грин фунциясини қуриш учун қуйидаги ёрдамчи масала кўрилган.

B_{11} **масала.** D соҳада (9) тенгламанинг қуйидаги чегаравий шартларни қаноатлантирувчи ечими топилсин:

$$u(x,0)=0,\quad u(x,1)=0,\qquad\qquad 0\le x\le 1,$$

$$u_{xx}(0,y)=u_x(1,y)=u_{xx}(1,y)=0,\qquad 0\le y\le 1.$$

Қўйилган B_{11} масаланинг ечимини

$$u(x,y)=\sum_{k=1}^{\infty}X_k(x)\sin k\pi y$$

кўринишда қидирамиз, у ҳолда $X_k(x)$ функция учун қуйидаги масалага келамиз:

$$\begin{cases} L[X_k]\equiv X_k'''(x)+\lambda_k^3X_k(x)=g_k(x),\\ X_k''(0)=X_k'(1)=X_k''(1)=0.\end{cases} \tag{11}$$

(11) масаланинг ечими

$$X_k(x)=\int_0^1 G_k(x,\xi)\,g_k(\xi)d\xi$$

кўринишда бўлади, бунда

$$g_k(x)=2\int_0^1 g(x,y)\sin k\pi y\,dy\ ,$$

$G_k(x,\xi)$ - (11) масаланинг Грин функциясидан иборат.

У ҳолда B_{11} масаланинг ечими қуйидаги кўринишни олади:

$$u(x,y)=\sum_{k=1}^{\infty}\sin\pi ky\int_0^1 G_k(x,\xi)g_k(\xi)\,d\xi=\int_0^1\sum_{k=1}^{\infty}G_k(x,\xi)\sin\pi ky\ g_k(\xi)\,d\xi.$$

Иккинчи бобнинг учинчи параграфида қурилган ечимнинг баҳоси топилган ва B_1 масаланинг ечими ошкор ҳолда ёзилган:

$$
\begin{aligned}
2u(x,y) &= \int_0^1 G(x,y,1,\eta)\psi_3(\eta)\,d\eta - \int_0^1 G(x,y,0,\eta)\psi_1(\eta)\,d\eta - \\
&- \int_0^1 G_\xi(x,y,1,\eta)\psi_2(\eta)\,d\eta + \int_0^1 G_\eta(x,y,\xi,1)\varphi_2(\xi)\,d\xi - \\
&- \int_0^1 G_\eta(x,y,\xi,0)\varphi_1(\xi)\,d\xi - \iint_D G(x,y,\xi,\eta)\,g(\xi,\eta)\,d\xi\,d\eta,
\end{aligned}
\tag{12}
$$

бунда

$$G(x,\xi,y,\eta) = 2\sum_{k=1}^{\infty} G_k(x,\xi)\sin\pi k\eta\cdot\sin\pi ky\,.$$

Қуйидаги теорема исботланган:

6-теорема. Агар $\varphi_i(x)\in C^2[0,1]$, $i=1,2$, $\psi_j(y)\in C[0,1]$, $j=\overline{1,3}$, $g(x,y)\in C^{0,2}_{x,y}(\overline{D})$ ва (10) мувофиқлик шартлари бажарилса, B_1 масаланинг ечими мавжуд ва у (12) кўринишда бўлади.

B_2 **масала.** D соҳада (9) тенгламанинг $C^{3,2}_{x,y}(D)\cap C^{2,1}_{x,y}(\overline{D})$ синфга тегишли ва қуйидаги чегаравий шартларни қаноатлантирувчи ечими топилсин:

$$u_y(x,0)=\varphi_3(x),\;\; u_y(x,1)=\varphi_4(x),$$

$$u_{xx}(0,y)=\psi_1(y),\;\; u_x(1,y)=\psi_2(y),\;\; u_{xx}(1,y)=\psi_3(y),$$

бунда

$$\varphi_i(x)\in C^2[0,1], i=3,4,\;\; \psi_j(y)\in C[0,1],\;\; j=\overline{1,3},\;\; g(x,y)\in C^{0,2}_{x,y}(\overline{D}),$$

бундан ташқари, қуйидаги мувофиқлик шартлари бажарилади:

$$\varphi_1'(0)=\psi_1(0),\;\; \varphi_1(1)=\psi_2(0),\;\; \varphi_1'(0)=\psi_3(0),\;\; \varphi_1'(1)=\psi_3(0),$$

$$\varphi_2'(0)=\psi_1(1),\;\; \varphi_2(1)=\psi_2(1),\;\; \varphi_2'(0)=\psi_1(1),\;\; g'(x,0)=g'(x,1)=0.$$

B_2 масала B_1 масала каби ечилади.

Диссертациянинг **«Бешинчи тартибли каррали характеристикали тенглама учун чегаравий масалалар»** деб номланган учинчи боби бешинчи тартибли каррали характеристикали вақт бўйича иккинчи тартибли ҳосилага эга бўлган тенгламага чегаравий масалалар қўйиш ва тадқиқ қилишга бағишланган.

Учинчи бобнинг биринчи параграфида тўғри тўртбурчакда биринчи ва иккинчи чегаравий масалалар ўрганилган.

$D=\{(x,y):0<x,y<1\}$ соҳада бешинчи тартибли каррали характеристикали вақт бўйича иккинчи тартибли ҳосилага эга бўлган қуйидаги тенгламани қараймиз:

$$\frac{\partial^5 u}{\partial x^5}+\frac{\partial^2 u}{\partial y^2}=0\,. \qquad (13)$$

A_{31} **масала.** D соҳада (13) тенгламанинг $C^{5,2}_{x,y}(D)\cap C^{4,1}_{x,y}(\overline{D})$ синфга тегишли ва қуйидаги чегаравий шартларни қаноатлантирувчи регуляр ечими топилсин:

$$u(x,0)=0,\ \ u(x,1)=0\,, \qquad (14)$$

$$\begin{cases} u(0,y)=\varphi_1(y),\ \ u_x(0,y)=\varphi_2(y),\\ u(1,y)=\varphi_3(y),\ u_x(1,y)=\varphi_4(y),\ \ u_{xx}(1,y)=\varphi_5(y),\end{cases}$$

бунда $\varphi_i(y),\ \ i=\overline{1,5}$ – етарлича силлиқ берилган функциялар.

7-теорема. Агар A_{31} масаланинг ечими мавжуд бўлса, у ягонадир.

A_{31} масаланинг ечими қуйидаги кўринишда қурилган:

$$u(x,y)=\sum_{n=1}^{\infty}X_n(x)\sin\pi n y, \qquad (15)$$

Бунда

$$X_n(x)=C_{1n}e^{\lambda_n x}+e^{\lambda_n\alpha_2 x}(C_{2n}\cos\lambda_n\beta_2 x+C_{3n}\sin\lambda_n\beta_2 x)+$$
$$+e^{-\lambda_n\alpha_1 x}(C_{4n}\cos\lambda_n\beta_1 x+C_{5n}\sin\lambda_n\beta_1 x).$$

8-теорема. Агар $\varphi_i(y)\in C^4[0,1]$ ва $\varphi_i(0)=\varphi_i(1)=0,\ \ \varphi_i''(0)=\varphi_i''(1)=0,$ $i=\overline{1,5}$ шартлар бажарилса, A_{31} масаланинг ечими мавжуд ва у (15) қатор кўринишида бўлади.

A_{32} **масала.** D соҳада (13) тенгламанинг қуйидаги чегаравий шартларни қаноатлантирувчи регуляр ечими топилсин:

$$u_y(x,0)=0,\ \ u_y(x,1)=0\,,$$

$$\begin{cases} u(0,y)=\varphi_1(y),\ \ u_x(0,y)=\varphi_2(y),\\ u(1,y)=\varphi_3(y),\ u_x(1,y)=\varphi_4(y),\ \ u_{xx}(1,y)=\varphi_5(y),\end{cases}$$

бунда

$$\varphi_i(y)\in C^4[0,1],\quad \varphi_i'(0)=\varphi_i'(1)=\varphi_i'''(0)=\varphi_i'''(1)=0,\qquad i=\overline{1,5}\,.$$

A_{32} масала A_{31} масала каби тадқиқ қилинган.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфида (13) тенглама учун ушбу $D^{+}=\{(x,y):0<x<\infty,\ 0<y<1\}$, $D^{-}=\{(x,y):-\infty<x<0,\ 0<y<1\}$ соҳаларда иккинчи чегаравий масала ўрганилган.

$u(x,y)$ функцияни (13) тенгламанинг регуляр ечими дейилади, агарда у (12) тенгламани D (бунда D : ёки D^{+}, ёки D^{-}) соҳада қаноатлантирса ва $C^{5,2}_{x,y}(D)\cap C^{4,1}_{x,y}(D\cap\Gamma)$ синфга тегишли ҳамда чексизликда чегараланган тўртинчи тартибли ҳосилага эга бўлса, бунда $\Gamma=\{x=0\}\cup\{y=0\}\cup\{y=1\}$.

B_{31} **масала.** D^{+} соҳада (13) тенгламанинг (14) ва қуйидаги чегаравий шартларни қаноатлантирувчи регуляр ечими топилсин:

$$u(0,y)=\varphi_1(y),\qquad u'_x(0,y)=\varphi_2(y), \tag{16}$$

$$\lim_{x\to+\infty}u(x,y)=\lim_{x\to+\infty}u_x(x,y)=\lim_{x\to+\infty}u_{xx}(x,y)=0, \tag{17}$$

бунда $\varphi_i(y)$, $i=1,2$ – етарлича силлиқ берилган функциялар.

B_{32} **масала.** D^{-} соҳада (13) тенгламанинг (14) ва қуйидаги чегаравий шартларни қаноатлантирувчи регуляр ечими топилсин:

$$u(0,y)=\varphi_1(y),\quad u_x(0,y)=\varphi_2(y),\quad u_{xx}(0,y)=\varphi_3(y), \tag{18}$$

$$\lim_{x\to-\infty}u(x,y)=\lim_{x\to-\infty}u_x(x,y)=0, \tag{19}$$

бунда $\varphi_i(y)$, $i=\overline{1,3}$ – етарлича силлиқ берилган функциялар.

9-теорема. Агар B_{31} (B_{32}) масала ечимга эга бўлса, у ягонадир.

10-теорема. Агар $\varphi_i(y)\in C^4[0,1]$ ва $\varphi_i(0)=\varphi_i(1)=0$, $\varphi''_i(0)=\varphi''_i(1)=0$, $i=1,2$ $(i=1,2,3)$ бўлса, B_{31} (B_{32}) масаланинг ечими мавжуд.

Учинчи бобнинг учинчи параграфида (13) тенглама учун D^{+} ва D^{-} соҳаларда учинчи чегаравий масала ўрганилган.

B_{33} **масала.** D^{+} соҳада (13) тенгламанинг (16), (17) ва

$$\begin{cases}\alpha\,u(x,0)+\beta\,u_y(x,0)=0,\\ \gamma\,u(x,1)+\delta\,u_y(x,1)=0,\end{cases}\qquad 0<x<\infty \tag{20}$$

шартларни қаноатлантирувчи регуляр ечими топилсин, бунда $\varphi_i(y)$, $i=1,2$ - етарлича силлиқ берилган функциялар.

B_{34} **масала.** D^{-} соҳада (13) тенгламанинг (18), (19) ва (20) шартларни $-\infty<x<0$ да қаноатлантирувчи ечими топилсин.

Бу ерда $\alpha, \beta, \gamma, \delta$ - ўзгармас сонлар бўлиб, $\alpha^2 + \beta^2 \neq 0$, $\gamma^2 + \delta^2 \neq 0$ шартларни қаноатлантиради.

Қуйидаги теоремаларнинг ўринли эканлиги исботланган:

11-теорема. Агар $B_{33}\,(B_{34})$ масала ечимга эга бўлса ва $\alpha\beta \leq 0$, $\delta\gamma \geq 0$ шартлар бажарилса, у ягонадир.

12-теорема. Агар $\varphi_i(y) \in C^4[0,1]$ ва қуйидаги мувофиқлик шартлари $\alpha\varphi_i(0) + \beta\varphi_i'(0) = 0$, $\gamma\varphi_i(1) + \delta\varphi_i'(1) = 0$, $\alpha\varphi_i''(0) + \beta\varphi_i'''(0) = 0$, $\gamma\varphi_i''(1) + \delta\varphi_i'''(1) = 0$, $i = 1, 2$ $(i = 1, 2, 3)$ бажарилса, у ҳолда B_{33} (B_{34}) масаланинг ечими мавжуд.

ХУЛОСА

Диссертация иши учинчи тартибли каррали характеристикали кичик ҳадларга эга бўлган ҳамда бешинчи тартибли каррали характеристикали вақт бўйича иккинчи тартибли ҳосилага эга бўлган модел тенгламаларга коррект чегаравий масалалар қўйиш ва уларни тадқиқ қилишга бағишланган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилар:

1. Учинчи тартибли каррали характеристикали кичик ҳадларга эга бўлган тенглама учун тўғри тўртбурчакда иккинчи чегаравий масала ечимининг ягоналиги ва мавжудлиги тенгламанинг коэффициентлари ва берилган функцияларга қўйилган шартлар асосида исботланган;

2. Учинчи тартибли каррали характеристикали кичик ҳадларга эга бўлган тенгламанинг кичик ҳадини тўғри тўртбурчакда қўйилган иккинчи чегаравий масаланинг корректлигига таъсири аниқланган ва бир жинсли масаланинг тривиал бўлмаган ечимлари қурилган;

3. Учинчи тартибли каррали характеристикали кичик ҳадларга эга бўлган тенглама учун тўғри тўртбурчакда учинчи чегаравий масаланинг бир қийматли ечилиши тенглама ва чегаравий шартлар коэффициентлари ҳамда берилган функцияларга қўйилган шартлар асосида исботланган;

4. Учинчи тартибли каррали характеристикали бир жинсли бўлмаган тенгламага тўғри тўртбурчакда қўйилган биринчи чегаравий масала ечимининг ягоналиги исботланган, масалага мос Грин функцияси қурилган ва масала ечимининг формуласи Грин функцияси ёрдамида ёзилган;

5. Бешинчи тартибли каррали характеристикали вақт бўйича иккинчи тартибли ҳосилага эга бўлган тенгламага қўйилган коррект чегаравий масалаларни Фурье усулида ечиш алгоритми ишлаб чиқилган ва уни тўғри тўртбурчакда ва ярим полосада масала ечишга қўлланган..

Қўйилган масалалар ечимларининг ягоналиги энергия интеграли усули ёрдамида, мавжудлиги эса ўзгарувчиларни ажратиш ва Грин функциясини қуриш ёрдамида исботланган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.30/30.12.2019.FM.05.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-СТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ

ЖУРАЕВ АБДУЛЛА ХАТАМОВИЧ

КРАЕВЫЕ ЗАДАЧИ ДЛЯ УРАВНЕНИЙ ТРЕТЬЕГО И ПЯТОГО ПОРЯДКА С КРАТНЫМИ ХАРАКТЕРИСТИКАМИ

01.01.02 – Дифференциальные уравнения и математическая физика

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

Фергана-2020

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.2.PhD/FM 217.

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-строительном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.fdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Апаков Юсупжон Пулатович** доктор физико-математических наук, доцент
Официальные оппоненты:	**Аманов Джумаклич** доктор физико-математических наук, доцент
	Газиев Кобилжон Солижонович кандидат физико-математических наук, доцент
Ведущая организация:	**Самаркандский государственный университет**

Защита диссертации состоится «____» __________ 2020 года в ____ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.FM.05.04 при Ферганском государственном университете. (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел.: (+99873) 244-44-02, факс: (+99873) 244-44-93, e-mail: fardu_info@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (зарегистрирована за № _____). (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел.: (+99873) 244-44-94).

Автореферат диссертации разослан «___» ________________ 2020 года.
(протокол рассылки № ________ от «___» ________________ 2020 года).

А.К. Уринов
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., профессор

И.У. Хайдаров
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней, к.ф.-м.н.

Ш.Т.Каримов
Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.ф.-м.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Развитие современной науки требовало в середине XX столетия уточнения физических моделей. Исходя из потребности практики, повысилось внимание к теории уравнений высокого порядка, среди этих уравнений именно благодаря своим специфическим характеристикам, особое место занимают уравнения нечетного порядка. Для изучения волн малой, но конечной амплитуды в дисперсионных средах в качестве модельного уравнения часто используют уравнение Кортевега - де Фриза. К теории коротких волн относится теория трансзвуковых течений, вязким трансзвуковым уравнением, т.е. уравнений третьего порядка с кратными характеристиками, содержащих вторые производные по времени. Уравнения пятого порядка с кратными характеристиками возникают в математических моделях волновых процессов в плазме и слабых ударных волн в диспергирующих диссипативных средах. Поэтому изучение уравнений третьего и пятого порядков является один из важных задач современной теории уравнений математической физики.

Учёными нашей страны получены весомые результаты в исследованиях уравнений третьего порядка с кратными характеристиками, содержащих первую и вторую производную по времени. Используя фундаментальное решение, построенное L.Cattabriga, исследованы краевые задачи.

В настоящее время в нашей стране перед наукой ставится задача сближение фундаментальных исследований к практике. Проведение на уровне международных стандартов научных исследований по алгебре и функциональному анализу, дифференциальным уравнениям и математической физике, прикладной математике и математическому моделированию, теории вероятностей и математической статистике обозначено основной задачей и направлением в деятельности института математики[1]. Развитие исследований по уравнениям с частными производными, в частности, развитие теории краевых задач для уравнений третьего и пятого порядка с кратными характеристиками играют важную роль в реализации указанного постановления.

Тема и объект исследования настоящей диссертации находится в русле задач, обозначенных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан, ПП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности», ПП-4387 от 9 июля 2019 года «О мерах государственной поддержки дальнейшего развития математического образования и науки, а также коренного совершенствования деятельности Института математики имени В.И. Романовского Академии наук Республики Узбекистан», ПП-4708 от 7 мая 2020 г. «О мерах по повышению качества образования и развитию научных исследований в

----

[1] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года №292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений Академии наук Республики Узбекистан»

области математики» и в других нормативно-правовых актах, касающихся фундаментальной науки.

Соответствие исследование приоритетным направлениям развития наук и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика»

Степень изученности проблемы. Первые результаты по изучению уравнений третьего порядка с кратными характеристиками, содержащих вторую производную по времени, построению фундаментальных решений, теории потенциалов и их свойств, исследованию краевых задач получены в работах H.Block, E.Del Vecchio, опубликованных соответственно 1912, 1915 годах. Далее в 1961 году L.Cattabriga для уравнения с кратными характеристиками построил фундаментальное решение, выраженное двойным несобственным интегралом и изучил их свойства. В работах Л.Родино, М.Марселло и А.А.Дезина уравнения с кратными характеристиками третьего порядка исследованы методами функционального анализа. В работах Т.Д.Джураева, С.Абдиназарова и их учеников исследовались краевые задачи методом потенциалов с применением фундаментального решения, построенного L.Cattabriga. Т.Д.Джураевым и Ю.П.Апаковым в 2007 году было построенно новое фундаментальное решение, выраженное через вырожденную гипергеометрическую функцию. Было изученно свойства этого фундаментального решения и применено к решению краевых задач, а также разработан алгоритм метода Фурье для решения краевых задач.

С точки зрения приложения, важность исследований уравнений третьего порядка с кратными характеристиками, содержащих вторые производные по времени, была обоснована в Воронежском университете в работах В.Н.Диесперова, О.С.Рыжова и Ю.В.Засорина. A.Ashyraliev, N.Aggez, F.Hazenci (Турция), а в работах N.Bendjazia, A.Guezane-Lakoud, R.Khaldi (Алжир) занимались нахождением численного решения. Уравнения пятого порядка с кратными характеристиками возникают в математических моделях в плазме волновых процессов. В работах Ю.В.Засорина, Н.В.Дерендяева, В.В.Новикова и В.А.Вахрушева разработаны основы решения краевых задач для уравнений пятого порядка. В монографиях Р.Булаф, Ф.Кодри и Р.Додд, Дж.Эйлбек, Дж.Гиббон, Х.Морисса была обоснована важность исследования уравнения пятого порядка. В работе А.К.Уринова, А.Т.Абдукодирова расмотрен вопрос о приведении в канонический вид уравнения пятого порядка.

Настоящая диссертация посвящена постановке и исследованию краевых задач для уравнений третьего и пятого порядков с кратными характеристиками, содержащих вторые производные по времени.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.

Диссертационная работа выполнена в соответствии с плановой темой научно исследовательских работ «Классические и неклассические задачи дифференциальных уравнений и их применения» Наманганского инженерно-строительного института.

Целью исследования являются постановка и исследование краевых задач для уравнений третьего и пятого порядка с кратными характеристиками, содержащих вторую производную по времени, в конечных и бесконечных областях, а также разработка алгоритма решения методом Фурье краевых задач, поставленные для уравнения пятого порядка.

Задачи исследования:

